ҚАЛБИМИЗ, ИЖОДИМИЗ—ВАТАНГА, ПАРТИЯГА!

Ўрта Осиё республикалари матбуот, радио ва телевидение ходимларининг семинар-кенгаши ўз ишини давом эттирмоқда

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 65 (2613). | Чоршанба, 1 апрель 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КАРТОШКА ЕТИШТИРИШДА МЕХАНИЗАЦИЯДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Тошкент қишлоқ область партия комитети Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг А. Йўлдошев, «Қорасув» совхозининг М. Усмоналиев ўртоқлар бошчилик қилаётган картошкачилик звено аъзоларининг картошка етиштиришнинг моҳир устаси В. И. Кузнецов изидан бориб, механизацияни кенг жорий қилиш асосида ҳам кўп, ҳам арзон картошка етиштириш соҳасидаги ташаббусини маъқуллади.

Комплекс механизациялашган картошкачилик звеноларининг бошлиқлари А. Йўлдошев ва М. Усмоналиев ўртоқларнинг картошкадан юқори ҳосил етиштириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш соҳасидаги тажрибалари ва бу йилги белгилаган тадбирлари «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 28 ва 31 март сонларида босилди.

Область партия комитети ишлаб чиқариш бошқармаларига ва уларнинг партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига «Қизил Ўзбекистон» колхози ва «Қорасув» совхозининг картошкачиликдаги илғор тажрибаларини ўрганиб чиқиш ҳамда кенг оммалаштириш вазифасини топширди.

КИМЁГАРЛАР ЗАФАРИ

Чирчиқ электрохимия комбинати кимёгарлари КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини бажара бориб, етти йиллик олтинчи йилининг биринчи кварталида дастлабки йирик ғалабани қўлга киритишди. Азаматлар 28 мартдаёқ маҳсулот ишлаб чиқариш квартал планини шараф билан адо этдилар.

Корхонада биринчи бўлиб минерал ўғитлар цехи коллективи ғалаба рапорти берди. Ундан бир кун кейин — 26 мартда эса аммиак ишлаб чиқариш цехи меҳнатсеварлари ҳам маррага етдилар.

Химиклар янги техника ва ишлаб чиқариш технологиясига амал қилганликлари ҳолда кўплаб миқдорда хомашё, электр энергияси, буғ, газ ва саноат сувини тежаб қолдилар.

КОММУНИЗМ ТАНТАНАСИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ

Ўрта Осиё республикаларининг меҳнаткашлари партия чизиб берган улуғ режаларни рўёбга чиқариш учун бутун совет халқи билан биргаликда, ягона сафда актив курашмоқдалар, КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон ишчилари, колхозчилари ва интеллигенцияси коммунистик қурилишда қўлга киритган умумий ютуқларда совет журналистлари кўп сонли отрядининг роли кўзга яққол кўриниб турибди. Совет журналистлари халқ орасида Коммунистик партия идеяларининг толмас пропагандистлари, жарчиларидир.

Мамлакатимизда журналист деган ном айниқса фахрлидир. Бу ном умумхалқ ҳурмати ва иззат-икромига сазовор бўлган. Журналистларни ҳақли равишда партиянинг жанговар ёрдамчилари дейишади. Совет журналистлари ҳамиша олдинги сафда бўлиб, ҳамиша партия билан, халқ билан ҳамнафасдирлар.

31 мартда Ўзбекистон пойтахтида Ўрта Осиё республикалари журналистларининг кенгаши очилди. Кенгаш меҳнаткашларни идеологик жиҳатдан тарбиялашни кучайтиришда матбуот, радио, телевидениедан яхшироқ фойдаланишга, Коммунистик партия ҳозирги босқичда журналистлар олдига қўйган вазифаларни муваффақиятлироқ ҳал қилишга бағишланган.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси чақирган бу кенгаш ишида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари, область, шаҳар партия комитетларининг секретарлари, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг секретарлари, республика, область, шаҳар газеталарининг ва ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари газеталарининг редакторлари, Матбуот, радио ва телевидение давлат комитетларининг, телеграф агентликларининг раҳбарлари ва ходимлари қатнашмоқдалар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг Раиси В. Г. Ломоносов очди. У, партия дастёрларининг жанговар отрядини — коммунизмнинг моддий техника базасини яратишга ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган совет журналистларини КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг топширувига биноан қизғин табриклади.

— Мен, —деди кенгаш қатнашчиларига қараб ўртоқ Ломоносов, —сизларга В. И. Лениннинг матбуот ходимларига айтган ва мана шу кенгашимизнинг мақсадига бевосита дахлдор бўлган ажойиб сўзларини эслатиб ўтмоқчиман. Владимир Ильич «Газеталаримизнинг характери тўғрисида» деган мақоласида қуйидагиларни ёзган эди: «Турмушга яқинроқ турилсин. Ишчи ва деҳқонлар оммасининг ўзининг кундалик ишида **амалда янгилик** вужудга келтираётганлигига **кўпроқ** эътибор берилсин. Бу янгиликнинг қанчалик **коммунистик** руҳда бўлаётганлиги кўпроқ **текшириб** борилсин».

Партия совет кишиларида коммунистик дунёқарашни ва коммунистик ахлоқни шакллантиришда актив қатнашиш, марксча-ленинча назарияни, КПСС Программасининг энг муҳим қоидаларини, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги идеяларини кенг пропаганда қилиш, партия ва бутун совет халқининг халқ хўжалиги планларини бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга, маданий қурилишга раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги ишини мунтазам равишда чуқур ёритиб бориш, ижобий тажрибани ёйиш, ўтмиш сарқитларига қарши, қолокликка, бюрократизмга, исрофгарчиликка ва жамият учун зарарли бошқа ҳолларга қарши қаратилган кескин, принципиал танқидни авж олдириш — матбуот, радио ва телевидениенинг асосий вазифасидир, деб ҳисобламоқда.

КПСС Марказий Комитети идеология бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. И. Снастин кенгашда «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида матбуот, радио ва телевидениенинг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг раиси С. И. Кадишев ўз докладида Ўрта Осиё иқтисодий районининг саноати ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сўзлаб берди.

Биринчи ялпи мажлисда «Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалигини интенсивлаш ва химиялаштириш» тўғрисида СССР Госземводхози ҳузуридаги Ўрта Осиё Пахтачилик давлат комитетининг раиси В. Н. Куликовнинг „«Ўзбекистон матбуоти мўл пахта учун курашда» деган темада «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори М. Қориевнинг, «КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини бажариш учун курашда газетанинг ташкилотчилик роли» ҳақида «Советская Киргизия» газетасининг редактори П. С. Денисюкнинг, «Тожикистони Совети» газетаси саҳифаларида қишлоқ хўжалигини интенсивлаш масалалари» тўғрисида «Тожикистони Совети» газетасининг редактори А. Ҳ. Халимовнинг докладлари ҳам тингланди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосарлари В. К. Акулинцев ва С. М. Веселов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Б. Т. Муроталиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. З. Зарипова, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Я. Х. Худойбердиев, КПСС Марказий Комитети идеология бўлимининг сектор мудири Т. К. Куприков, КПСС Марказий Комитети Закавказье Бюросининг инспектори С. Р. Аслонов, «Известия» газетаси бош редакторининг ўринбосари Г. М. Ошеверов, «Правда» газетасининг саноат бўлими бўйича редактори С. М. Балбеков, «Сельская жизнь» газетаси, Бутуниттифоқ радиоси ва телевидениеси, ТАСС масъул ходимлари қатнашмоқдалар.

Журналистларнинг кенгаши ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўрта Осиё республикалари матбуот, радио ва телевидение ходимларининг семинар-кенгашида. Суратда: (чапда) семинар-кенгаш қатнашчиларидан бир группаси танаффус вақтида ўзаро суҳбатлашмоқдалар. Ўнгда: мажлислар залида.

А. Абалян фотолари.

БУДАПЕШТДА ШОДИЁНА КУТИБ ОЛИШ

БУДАПЕШТ, 31 март. ТАСС нинг махсус мухбирлари **Д. Бочаров ва М. Попов** хабар берадилар:

Венгрия пойтахти бугун КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бошчилигида бу ерга келган совет партия-ҳукумат делегациясини энг азиз меҳмонлардек зўр шодлик билан кутиб олди.

Шарқий вокзалда делегацияни Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Янош Кадар ва партия ҳамда ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

Вокзал биноси олдидаги майдонга будапештликлардан 10 мингга яқин киши тўпланди. Вокзал пештоқига ва унинг рўпарасидаги биноларга рус ва венгер тилларида шу сўзлар ёзилган эди: «Коммунизм қураётган совет халқининг вакилларини табриклаймиз!», «Совет партия-ҳукумат делегациясини қардошларча меҳр-муҳаббат билан табриклаймиз!».

Вокзал биноси олдидаги майдонда митинг бўлди. Бу митингда Янош Кадар ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар уларни қизғин табрикладилар.

Янош Кадар ва Н. С. Хрушчевнинг нутқлари бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

Шундан кейин совет делегацияси аъзолари ва уларни кутиб олган Венгрия партия ва давлат арбоблари Будапешт кўчаларидан ўтиб, делегация резиденциясига қараб йўл олдилар. Бутун йўл бўйи неча минглаб будапештликлар Н. С. Хрушчевни ва унинг йўлдошларини тарбикладилар.

АЛМАШИНАДИГАН САҲИФАЛАР

«Тошкент ҳақиқати» газетаси алмашиниб турадиган махсус саҳифаларининг навбатдаги сони чиқди. Газетанинг бугунги чоршанба сонининг 3-бети икки нусхада босилди.

Саноат ходимлари учун мўлжалланган саҳифада Тошкент саноат область партия комитети лекторлар группасининг раҳбари ўртоқ М. П. Новиковнинг **«Виктор Зайцев—моҳир мастер, жонкуяр тарбиячи»** сарлавҳали мақоласи берилган. Унда Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати темирйўл цехининг инструктор машинисти, локомотив бригадалари сменасининг мастери ўртоқ В. К. Зайцевнинг тажрибалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун мўлжалланган саҳифада: Х. Расуловнинг **«Чўл инъоми»**, Т. Андабоевнинг **«Агитатор дала»**, М. Ғаниеванинг **«Ипак қурти боқишга тайёрмисиз?»**, Н. Ҳикматуллаевнинг **«Журъат»** сарлавҳали материаллари ва лавҳаларини ўқийсиз.

ШТАТСИЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯНГИ БОРОНАЛАР

Тошкент «Газоаппарат» заводида кичик ҳажмли рўзғорбоп газ плиталари билан бир қаторда «3—БЗТУ-1» маркали комплект бороналар ҳам тайёрланаяпти. Газоаппаратчилар шу йилнинг биринчи кварталида республикамиз пахтакорлари учун 3 минг 800 комплект борона ишлаб чиқаришга аҳд қилган эдилар.

Корхонада шу кунгача 5 мингдан ортиқ борона тайёрланиб, квартал плани ортиғи билан адо этилди. Қорақалпоғистон Автоном республикасидан олинган заказ барвақт бажарилди. Тошкент маркаси қўйилган бороналар қардош республикаларда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Яқинда Қозоғистоннинг шимолий районларига ҳамда Қирғизистон ССРнинг Ўш областига бир неча юз комплект борона жўнатилди.

Завод коллективи қўшимча равишда яна 600 комплект борона тайёрлаб бериш мажбуриятини олди. Янги мажбурият асосида корхона цехларида иш қизғин тус олмоқда.

Х. АБДУВАЛИЕВ.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Полярная звезда» колхозининг 3-бригада аъзолари ўтган йили 145 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 28 ўрнига 33,60 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтариб, планни 119 процент қилиб адо этишганди.

Николай Ли бошлиқ бу бригаданинг миришкор деҳқонлари кўкламги экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрдилар. Улар ерларни текислаш, бўлтак-сўлтак ерлар ҳисобига экин майдонларини кенгайтириш, далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишларини қизғин давом эттиришяпти.

Бригадага қарашли мавжуд техникаларни ремонтдан сифатли қилиб чиқаришда механизаторлардан М. Анатолий, А. Сувонов ўртоқлар бошқаларга намуна бўлдилар.

— Бригадамиз аъзолари, — дейди Николай Ли, — бу йил пахтанинг ҳосилдорлигини 2 центнерданга ошириш учун курашмоқдалар. Бунинг учун ҳар гектар ер ҳисобига 10 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда.

Ҳа, бригаданинг аъзолари кўкламги экиш кампаниясига пухта тайёргарлик билан киришдилар. Улар экишни энг узоғи билан 7—8 кун ичида тамомлашга аҳд қилишган.

Миришкор пахтакорлар чигитни текис ва яхшилаб юмшатиб ҳайдалган ерларга экиб, уни ернинг ўз намида ундириб олиш учун қатъий бел боғлаганлар.

А. РАИМБОЕВ.

КВАДРАТ-УЯЛАБ

Бир куни йилга татийдиган долзарб кунлар етиб келди. Кўклам тараддудини ўз вақтида кўриб қўйган хўжаликлар шу кунларда пахта майдонларига бараака уруғини қадай бошладилар. Янгийўл бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари ҳам чигит экишни бошлаб юборишди. Хўжаликнинг пешқадам бригадаларида бу иш кўнгилдагидай бажариляпти.

Мана, ўртоқ Раҳим Жалолов бошлиқ бригаданинг ерлари. Деярли ҳамма майдонларга чигит ташланмоқда. Механизаторларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳар куни 6—8 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилмоқда. Бу ишда Т. Нурматов, Р. Солиматов, Б. Алқосимов ўртоқлар бошқараётган агрегатларнинг экипаж аъзолари намуна кўрсатиб ишлаб, кунлик топшириқни ортиғи билан, сифатли адо этаётирлар.

Фақат шу бригададагина эмас, балки колхознинг бошқа бригадаларида ҳам чигит жадал экиляпти.

Ҳ. ҚОДИРОВ.
А. МАДРАҲИМОВ.

ТУТЗОРЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Карл Маркс номли колхозда тут дарахтлари кўнгилдагидек парвариш қилинаяпти. Мавжуд 10,5 гектар ердаги тутзор минерал ўғитлар билан озиқлантирилиб, дарахт оралиқлари чуқур ҳайдаб қўйилди. Йўл ва ариқ ёқаларидаги тут кўчатларининг таги юмшатилди. Шунингдек янги тутзорлар барпо этиляпти. Шу кунгача 6 минг туп тут кўчати ўтқазилди.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

Сахий ернинг ҳар гектаридан 24 тоннадан карам ва мўл-кўл картошка етиштиришга аҳд қилган 6-бригада аъзолари Калинин бошқармасидаги «Партия XXI съезди» совхозида биринчи бўлиб экишни тугалладилар. 2-бўлимнинг бу илғор бригадаси 10 гектар майдонга карам ва 12 гектар ерга картошка экди.

И. ЎРИНБОЕВ.

ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИ „ЗАНГОРИ" КЕМАЛАРНИ БОШҚАРАДИЛАР

Партия ёки совет ходими пахта териш машинасини, тракторни, автомобилни мукаммал билиши шартми? КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорларини муҳокама қилиш вақтида Тошкент партия олий мактабида ана шу масала кўтарилди. Бунга ҳамма бир овоздан: ҳа, билиши мутлақо шарт, зотан, ҳозирги замон шароитида техникани яхши билиш — қишлоқда олиб бориладиган бутун ташкилотчилик ва тарбиявий ишда муваффақият қозонишнинг зарур шартидир, деб жавоб берди.

Шу гапдан кейин амалий ишга кўчилди. Илгари ўқув программасига киритилган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва электрлаштириш курси тубдан ўзгартирилиб, уч баравар кенгайтирилди. Бу курсни ўтишга 553 соат ажратилди, шунинг ярмини амалий машғулотлар олади. Машиналарнинг асосий узелларини батафсил ўрганиш учун махсус кабинетлар очилди. Мактаб ҳовлисида эса, машқ полигони ускуналанди, полигон энг янги конструкциядаги пахта териш машиналари ва бошқа техника билан таъминланди. Биринчи курснинг ҳамма тингловчилари янги программа асосида машғулот бошлаб юбордилар.

Диққатга сазовор бир тафсилотни айтиб қўяйлик: партия олий мактабига берилган пахта териш машиналари «Голодностепстрой»га қарашли 7-совхозникидир. Бу машиналар совға тариқасида берилган эмас. Совхоз техникани ажратиб бериш билан бирга, бўлажак механик-ҳайдовчиларни ҳисобга олиб қўйди, терим даврида уларнинг меҳнатидан фойдаланишни мўлжалламоқда. Бундан икки томон ҳам фойда кўради: совхоз кадрлар проблемасини ҳал қилиб олса, тингловчилар ишлаб чиқаришда практикадан ўтиш учун жуда яхши шарт-шароитларга эга бўладилар.

Мактаб дирекцияси ва партия ташкилоти совхоз раҳбарлари билан биргаликда ана шу практиканинг муфассал планини тузиб чиқди. Тингловчилардан юз киши пахта териш машиналарининг рулини бошқаради, улар икки сменада ишлайди. Эллик тингловчи пахта ортилган трактор поездларини даладан қабул пунктларига олиб боради. Мактаб мавсумда совхознинг жами бўлиб беш минг тонна пахтасини машиналарда териб бермоқчи. Бўлажак партия ва совет ходимлари шу рақамни тилга олган пайтда, ўтган йил икки баравар кўп одам билан Мирзачўл хўжаликларида саккиз юз тонна пахтани қўлда теришганини эслашмоқда. Шу рақамнинг ўзи ҳам машинанинг кучини билдириб турибди.

Тингловчилар ҳар бири ўн беш кишилик группаларга бўлиниб, тажрибали мутахассислар раҳбарлигида янги техникани зўр ҳавас билан ўрганмоқдалар. Мактаб полигонида бирин-кетин юра бошлаган «зангори кема»ларни кўрасиз. Бу машиналарни кўк комбинезон кийиб олган бошловчи механизаторлар ҳайдаб боришяпти. Лекин уларнинг ҳар бири қаттиқ имтиҳон ҳали олдинда эканлигини билади. Бу имтиҳон дарсхонада эмас, балки далада, халқ олдида топширилади. Шундай имтиҳонга жуда яхши тайёрланиш керак.

Партия олий мактабининг тингловчилари якшанба куни, «Ўроқ ва Болға» байрамида ўз дўстлари — 7-совхоз ишчилари билан яна учрашдилар. Улар ўқишдаги дастлабки муваффақиятлари тўғрисида ишчиларга ахборот бердилар. Бу муваффақиятлар олинган мажбуриятнинг реаллигини тасдиқлаб турибди. (ЎзТАГ).



Шахтёрлар шаҳри кун сайин кўркамлашиб бормоқда. Ҳар қадамда янги турар-жой бинолари, серсоя хиёбонлар, гавжум посёлкалар барпо бўлаяпти. Рассом М. Просяной чизган бу расмда Оҳангарон шаҳрида қад кўтара ётган 10-квартал қурилиши тасвирланган.

ХИМИЯ БИЛИМЛАРИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Пойтахтимизнинг Октябрь райони меҳнаткашлари партиямиз Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленуми материалларини зўр қизиқиш билан ўрганиб, уни амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Райондаги ҳамма саноат корхоналари, қурилишлар, муассасалар ва мактабларда, маҳаллалар меҳнаткашлари орасида Пленум материалларини ўрганишга бағишланган муҳим тадбирлар ўтказилмоқда.

«Тинчлик» маҳалласи, шаҳар маданият уйи ва бошқа жойларда ўтказилган савол-жавоб кечалари тингловчиларда яхши таассурот қолдирди. Бу кечаларда қатнашган химия фанлари кандидатлари Т. Хайбуллин ва Ғ. Хўжаев ўртоқлар меҳнаткашлардан тушган саволларга қониқарли жавоб бериш билан бирга, амалий тажрибалар кўрсатиб химия мўъжизаларини намойиш қилдилар.

«Билим» жамиятининг район бўлими ҳам химия билимларини пропаганда қилишда активлик кўрсатмоқда. Бўлим Пленум материалларини оммага тушунтириш ишига химия фанлари доктори профессор Х. Усмонов, химия фанлари кандидатлари Т. Тиллаев, Т. Орипов, тарих фанлари докторлари Т. Бобожонов, Я. Ғуломов каби йирик мутахассис олимларни жалб этаётир. Район бўйича КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми материалларига бағишлаб 500 га яқин лекция ўқилди. Ўқилган лекциялар орасида «Коммунизм — Совет ҳокимияти ва бутун мамлакатни электрлаштириш ҳамда химиялаштиришдир», «Коммунизм моддий-техника базасини яратишда химиянинг роли», «Яқин етти йилликда Ўзбекистонда химия саноатининг ривожланиши», «Ўрта Осиёда катта химия гигантлари», «Химия пахтачилик хизматида» каби темалар бор.

Лекциялар билан бирга химия билимларини пропаганда қилишнинг бошқа оммавий формаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Пленумдан кейин ўтган ойлар ичида маҳаллалар меҳнаткашлари учун иккита химия конференцияси, ўнга яқин кинолекция, 15 дан ортиқ диспут ва тематик кечалар, 10 га яқин жойда савол ва жавоб кечалари ўтказилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳузурида химия билимлари университети ташкил этилган. Университетда лекциялар ўқишга қишлоқ хўжалик фанлари докторлари Протасов, Малинкин, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Мадраимов, Белоусов, Мазурин ва бошқа ўртоқлар жалб этилган. Районимиз мактаблари химия ўқитувчилари учун 42-ўрта мактаб ҳузурида химия билимлари университети ишлаб турибди. Бу ерда амалий тажрибалар ўтказиш учун зарур приборлар ва химикатлар билан таъминланган ажойиб лаборатория бор. Университет машғулотларини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти олимлари олиб бормоқдалар. Машғулотларга қатнашаётган юздан ортиқ ўқитувчи химиянинг ҳозирги замон ютуқларига тааллуқли кўп янгиликларни билиб олмоқдалар.

Мамлакатимиз халқ хўжалигини жадал ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган декабрь ва февраль Пленуми қарорларини чуқур ўрганаётган районимиз меҳнаткашлари партиямиз кўрсатмаларини амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

И. АБДУРАҲМОНОВ.

Октябрь район партия комитети идеология бўлимининг мудири.

ЯНГИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

Тошкентдаги «Гипрострой» институти ходимлари қатор корхоналарни лойиҳалаш ишларини муваффақиятли тугалладилар.

Ижодкорлар яратган лойиҳага мувофиқ пойтахтимизнинг шимолий зона районларида йилига 140 минг квадрат метр йирик панель ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги уйсозлик заводи қад кўтара бошлади. Шу корхона яқинида йиллик қуввати 500 минг кубометрга тенг бўлган керамзид заводи қуришга ҳам тайёргарлик кўрилаяпти.

Лойиҳачилар иши фақат шулардангина иборат эмас. Юқоридагилардан ташқари ҳар йили 200 минг квадрат метр дераза блоклари, 300 минг квадрат метр тайёр эшиклар ишлаб чиқарадиган дурадгорлик буюмлари заводи, 159-қурилиш трестининг техника материаллари билан таъминлаш ва механизациялаш базаси, буғ қозонлари заводи лойиҳалари ҳам тахт қилиб қўйилди.

М. ҚЎЧҚОРОВ,
институт инженери.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МОСКВА, 30 март. (ТАСС мухбири). Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган шароитда халқ хўжалигига партия раҳбарлиги назарияси ва практикаси масалаларига бағишлаб, бугун КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академиясида илмий конференция бошланди.

Академия КПСС тарихи кафедрасининг раҳбари профессор В. М. Донской конференцияни оча туриб, янги босқичда халқ хўжалигига партия раҳбарлиги хусусиятларига тўхталиб ўтди. Партиянинг ўн миллион аъзосидан 70 проценти бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб турганлиги, деди у, саноат ва қишлоқ хўжалигига партиянинг конкрет раҳбарлигини амалга оширишдаги муҳим фактордир.

Профессор Д. И. Надточеев коммунизм қурилиши шароитида халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг ленинча принциплари ҳақида доклад қилди.

«Тамбовская правда» газетасининг редактори А. И. Помогаев ўз нутқида халқ хўжалигига партия раҳбарлиги масалалари маҳаллий матбуотда қандай ёритилаётганини сўзлаб берди.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

ГУЛЛАР БАРВАҚТ ОЧИЛАДИ

МОСКВА, 30 март. (ТАСС мухбири). Атир гул ва бошқа гуллар тупроқсиз — сунъий озуқа эритмасида ўстирилса, икки-уч баравар кўп очилади. Бундан ташқари одатдагига қараганда анча барвақт ғунча ёзади. Сарфланадиган меҳнат бир неча баравар камаяди.

Москва, Ленинград, Одесса, Рига, Ялта ва бошқа шаҳарлар теплицаларида ҳозирдаёқ тош ва торф устида дастлабки гулзорлар барпо этилди. Минерал эритмалар билан озиқлантирилаётган атир гуллар, чинни гуллар, лолалар, азалиялар, папоротниклар ва ҳатто... кактуслар жуда яхши ўсмоқда.

Бугун Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида очилган Бутуниттифоқ кенгаш-семинари гулчиликдаги энг диққатга сазовор ва истиқболли проблемалардан бирига-кўчатзор хўжаликларда гидропоникадан фойдаланишга бағишланган. Кенгашда олимлар, селекционерлар, шаҳар ва қишлоқларимизни кўкаламзорлаштирувчилардан 250 киши қатнашмоқда.

СУНЪИЙ ДЕНГИЗЛАР АТРОФИДА

Бу йил 350 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўрмон хўжаликларининг питомникларидан Бухоро областидаги канал ва коллекторлар бўйига кўчириб ўтказилди. Кўчатлар янги ерларда тез амал олмоқда. Дарахтлар сув трассаларини безатибгина қолмай, балки, энг муҳими, каналлар ўзанини нурашдан сақлайди. Дарахтларнинг сояси сувнинг буғланиб кетишига имкон бермайди, кучли томирлари эса каналларнинг қия жойларини ювилиб кетишдан сақлайди.

Бухоролик ўрмон мелиораторлари Аму-Қоракўл машина канали бўйида дарахтзорлар барпо этишга киришдилар. Ҳозир саксовул экилмоқда. Келгуси йилда эса, саксовул қумларни мустаҳкамлаганидан кейин дарахт ўтқазишга қарор қилинди. Куз фаслида Аму-Бухоро гигант магистраль канали трассасида дарахтзорлар барпо этишга киришилади.

Республиканинг сунъий денгизлари атрофига дарахт ўтқазиш ишлари қизғин бораётир. Учқизил ва Тошкент сув омборларининг қирғоқлари дарахтзорлар билан ўраб олинади. Бу йил ирригация каналлари ва мелиорация тармоқлари бўйича олти миллион туп кўчат ўтқазилади. (ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН КУНЛАРИ ОЛДИДАН

ТИНЧЛИК — СОЦИАЛИЗМ ИДЕАЛИ

Рассом Совет Россияси давлат гербининг дастлабки лойиҳасида ўроқ ва болға билан бирга икки томони ўткир бўлган ханжарни ҳам тасвирлаган эди. Бу лойиҳани В. И. Ленинга кўрсатганларида, у бундай деган эди:

— Қизиқ!.. Бунда ғоя бор, лекин ханжар нимаси?.. Босқинчилик сиёсати бизга тамомила ёт сиёсат... Шу боисдан ханжар бизнинг эмблемамиз бўлолмайди!

Владимир Ильич кескин ҳаракат қилиб, лойиҳадаги ханжарни қалами билан чизиб-чизиб ташлайди.

Ҳамма даврлар ва халқларнинг буюк инсонпарвари Ленин мустаҳкам тинчлик учун курашни социализм ва коммунизмнинг тарихий вазифаларидан бири деб ҳисоблади. Владимир Ильич Совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки кунларданоқ ана шу вазифани амалга ошириш учун ҳаракат қилиб, инсониятни империалистик урушлардан халос қилишнинг конкрет йўлларини кўрсатиб берди.

Ленин ғоялари асосида вужудга келган ва чиниққан партиямиз Ленин васиятларига ҳамиша содиқ бўлиб келмоқда. Партиямиз жонажон Ильичсиз қирқ йилдан буён бошқа қардош партиялар билан биргаликда ер юзида адолат ҳукмрон бўлиши учун, мустаҳкам тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун ҳормай-толмай курашиб келмоқда.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1960 йилги Москва Кенгаши ўз Баёнотида бундай деб ёзган эди: **«Коммунистлар жаҳон миқёсида эксплуатацияни ва қашшоқликни тугатишни ва ҳар қандай уруш бўлиш имкониятини инсоният жамиятининг ҳаётидан абадий чиқариб ташлашни ўзларининг тарихий вазифалари деб ҳисоблаш билан чекланиб қолмай, шу билан бирга, янги жаҳон уруши даҳшатларидан инсониятни ҳозирги даврнинг ўзида халос қилишни ҳам ўзларининг тарихий вазифалари деб биладилар».**

* * *

В. И. Ленин марксчи-ленинчиларнинг уруш ва тинчлик масаласида тутган позициясини батафсил ишлаб чиқди. «Социалистлар,— деб таъкидлаган эди Владимир Ильич,— халқлар ўртасидаги урушларни варварлик ва ваҳшийлик иши деб ҳамма вақт қоралаб келдилар» (Асарлар, 21-том, 319-бет).

Ҳарбий тўқнашувлар инсоният бошига мислсиз кулфатлар ва жуда кўп қурбонлар келтирди. Бир швейцариялик олим «электрон мия» ёрдами билан планетамизда беш ярим минг йил мобайнида 14.513 та катта ва кичик урушлар бўлиб ўтганлигини ва бу урушларда 3.640 миллион киши ҳалок бўлганлигини ҳисоблаб чиққан. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг ўзигина олтмиш миллион кишининг ёстиғини қуритди.

1945 йилда американликларнинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари устига ташлаган атом бомбалари ана шу япон шаҳарларининг неча юз минглаб аҳолисини ҳалок этди. Ўша пайтдан буён синов портлатишлари билан текшириб кўрилган ядро қуролининг вайронгарчилик кучи 2.500 марта кўпайди. Шу сабабли, агар империалистлар янги жаҳон урушини бошлаб юборсалар, энг кам ҳисобларга қараганда ҳам, 1 миллиардгача одам ҳалок бўлади. Бунда моддий-техника базасининг асосий қисми йўқ қилиб ташланади, инсониятнинг ҳаёти ва прогрессив тараққиёти эса ана шу моддий-техника базасига асослангандир.

Маълумки, марксизм-ленинизм классиклари қурол-яроғларнинг янги турлари вужудга келиши билан пайдо бўладиган социал оқибатларни зўр диққат билан ўргандилар. Н. К. Крупская ўз хотираларида бундай деб ёзди: «Уруш ҳақида борган бир гапни ҳали эслайман. Бу — 1918 йилнинг бошларида Ленинградда бўлган эди. Владимир Ильич айтдики, замонавий техника урушнинг вайрон қиладиган характерига ҳозир тобора кўпроқ ёрдам беради. Лекин шундай пайт келиб, уруш шу қадар вайрон қиладиган бўладики, бу пайтда умуман уруш қилиб бўлмайдиган бўлиб қолади. Сўнгра Владимир Ильич бу масалани 1920—1921 йилларда яна тилга олди. У менга бир инженер билан қилган суҳбатини айтиб берди. Инженер бундай деган: ҳозир навбатда шундай ихтиро турибдики, масофадан туриб катта армияни йўқ қилиб юбориш мумкин. Бу ихтиро ҳар қандай уруш имкониятини йўққа чиқаради. Ильич бу ҳақда зўр ҳавас билан гапирарди. Урушни бошлаб юборишни мумкин бўлмайдиган қилиб қўйишни у нақадар зўр эҳтирос билан истаганлиги бундан кўриниб турар эди».

Ҳозир жаҳонда Ленин башорат қилган вазиятнинг худди ўзи вужудга келди: бутун инсониятга тузатиб бўлмайдиган зарар етказа оладиган қурол-яроғ яратилди ва тўплаб қўйилди. Аммо шу билан айни бир вақтда ўзининг актив ҳаракатлари билан жаҳон ҳарбий тўқнашувининг йўлини тўсиб қўяётган ижтимоий кучлар ҳам вужудга келди ва ўсмоқда.

КПСС XX съезди ҳозирги даврда урушлар фатал суратда муқаррар эмаслиги ҳақида тарихий аҳамиятга эга бўлган хулоса чиқарди. Ер юзида социализм тўла ғалаба қозонгунига қадар, дунёнинг бир қисмида капитализм сақлангани ҳолда жаҳон урушини жамият ҳаётидан чиқариб ташлаш учун реал имконият вужудга келган эди. Бу хулоса — яхши ниятларнинг самараси эмас, балки ҳозирги замонда синфий кучларнинг нисбатини реалистик, қатъий илмий асосда анализ қилиш натижасидир.

Империализм кетма-кет мағлубиятга учраб бораётган, социалистик система эса равнақ топиб, мустаҳкамланаётган бир пайтда тинчликни сақлаб қолиш сиёсати империалистларнинг янги жаҳон урушини бошлаб юбориш сиёсати устидан ғолиб чиқишга қодир. Совет Иттифоқи жуда катта вайрон қилувчи кучи бўлган энг мукаммал ядро қуролига эга бўлганлиги мустаҳкам тинчликни ўрнатишда биринчи даражали, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Бизнинг ракета-термоядро қудратимиз — социалистик давлатларнинггина эмас, балки барча тинчликсевар халқларнинг хавфсизлигини ҳам таъминлайдиган бамисоли мустаҳкам қалқондир. Агрессор катта ёки кичик тинчликсевар мамлакат устига ҳужум қилган энг кескин пайтларда ҳужумни даф этиш учун СССР ўзининг халқаро мавқеи, ўзининг ҳарбий қудратини сира иккиланмай ўртага қўйганлиги бутун дунёга маълум.

* * *

Октябрь революцияси ғалабасидан кейин В. И. Ленин бундай деган эди: «... Сулҳ йўлида қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилиш учун ишчиларга ва деҳқонларга ваъда берамиз. Биз буни бажарамиз» (Асарлар, 27-том, 394 бет). Биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Лениннинг худди ўзи тинч-тотув яшаш принципларини ишлаб чиқди. Бу принциплар қарийб ярим асрдан буён ўтган давр ичида ўзини ажойиб тарзда оқлаб келмоқда.

Ҳозирги замонамизда бу сиёсатнинг роли айниқса ўсди. Бу сиёсат қирғин келтирувчи термоядро урушининг альтернативи бўлиб қолди. Империалистлар тинч-тотув яшаш йўлига ўз ихтиёрлари билан тушиб олмасликларини ва тинчлик ҳамда социализм кучларининг устунлигидан фойдаланиб, бу сиёсатни уларга қабул қилдириш лозимлигини коммунистлар яхши биладилар.

«Социал системалари турлича бўлган давлатлар тинч-тотув яшаш сиёсатининг моҳияти худди шундан иборатки,— деб таъкидлайди Н. С. Хрушчев,— тинчликсевар халқларнинг милитаризм ва агрессия кучларига нисбатан устунлигига таяниб, Ғарбдаги йирик мамлакатларни ўз сиёсатларининг воситаси сифатида урушдан воз кечишга мажбур этишдан, халқаро проблемаларни ҳарбий методлар билан эмас, балки тинч методлар билан ҳал қилишга мажбур этишдан иборатдир».

Урушдан кейинги тарих бундай сиёсатнинг тўғрилигини кўп марталаб исбот этди. Бу сиёсат тинчлик, демократия ва социализм кучларининг ўсишини ҳамда мустаҳкамланиб боришини таъминламоқда. Совет Иттифоқи тинч-тотув яшаш шароитида ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасини эълон қилди. Бу программа урушларсиз, армияларсиз, қурол-яроғсиз дунё ҳақида халқларнинг асрлар бўйи қилган орзу—умидларини амалга оширишнинг энг ишончли ва тўғри йўлидир.

Қуролсизланиш йўлидаги биринчи конкрет қадам — ядро қуроли синовларини қисман тақиқлаш тўғрисидаги шартноманинг Москвада тузилганлиги фактини инсоният ҳамиша ўз хотирасида сақлайди. Ана шу шартноманинг давоми сифатида ялпи қирғин келтирадиган қуролни Ер атрофи орбитасига чиқаришни тақиқлаш тўғрисидаги битимга эришилди.

Лекин тарихий тажриба, бу билан чекланиб қолиш мумкин эмас, деб ўргатади. Илгари қараб бориш, тинчлик учун кураш йўлидаги куч-ғайратни ошириш керак. Совет Иттифоқи худди шундай қилмоқда. СССР Олий Совети учинчи сессиясининг мамлакат мудофааси учун бўладиган харажатларни 1964 йилда олти юз миллион сўмга камайтириш ҳақидаги қарори ана шу илгари боришнинг ёрқин намунаси эмасми! Совет Қуролли Кучларининг сонини кейинчалик бир оз қисқартириш имконияти ҳақида ҳам фикр юритилмоқда.

Н. С. Хрушчевнинг давлатларнинг (ҳукуматларнинг) бошлиқларига ёзган мактуби ҳақидаги хабар бутун дунёга тарқалди. Бу мактубда территориал низоларни ва чегара масалаларини ҳал қилган вақтда куч ишлатишдан воз кечиш тўғрисида халқаро битим тузиш таклиф қилинади. Бундай битимга эришмоқ учун ҳозирги вақтда ҳамма шароитлар бор.

* * *

XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳонда вужудга келган вазият капитализм билан тинч иқтисодий мусобақада социализмнинг ғалаба қилишига ғоят қулайлик туғдирмоқда. Бу эса улуғ Лениннинг «Биз халқаро революцияга бўлган асосий таъсиримизни ўз хўжалик сиёсатимиз билан кўрсатамиз... Бутун дунё миқёсида кураш шу соҳага кўчирилди» (Асарлар, 32-том, 486-бет) деган қоидаси тўғри эканлигини яна ва яна бир марта тасдиқламоқда.

Совет Иттифоқи Лениннинг ана шу васиятига амал қилиб, Ғарб мамлакатларига урушга тайёргарлик кўриш соҳасида эмас, балки тинчлик соҳасида, экономика ва халқларнинг турмушини яхшилаш соҳасида мусобақалашишни таклиф этмоқда. КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль (1964 йил) Пленумлари минбаридан, СССР Олий Совети учинчи сессиясининг мажлисларида сўзга чиққан депутатларнинг нутқларида ана шундай даъватлар зўр куч билан янгради.

Энди иш ғарб давлатларида қолди. Ғарб давлатлари Совет Иттифоқининг бир ёқлама қилган таклифлари ва тинчликсевар ҳаракатларини қўллаб-қувватлашлари лозим. Улар, ниҳоят, қуролсизланиш проблемасини ҳал қилиш юзасидан конкрет тадбирларни кўришни талаб қилаётган халқларнинг иродасига қулоқ солишга мажбур.

Бироқ Ғарбдаги ҳукмрон доираларнинг ана шу таклифларни ижобий қўллаб-қувватлаб, Совет Иттифоқидан намуна олаётганлари ҳали кўринганича йўқ. Аксинча, улар қуролланиш пойгасини давом эттирмоқдалар. Ракета-ядро урушининг хавфи уларнинг айби билан ҳозиргача тугатилгани йўқ. Агрессив империалистик доиралар НАТО нинг кўп томонлама ядро кучлари деб аталган кучларни вужудга келтириш учун зўр бериб иш олиб бормоқдалар. Уларнинг бу ҳаракати ғарбий герман милитаристларига ва реваншчиларига атом қуролига эга бўлиш учун йўл очиб беради. Германия сулҳ шартномасининг йўқлиги сабабли Европанинг марказида халқаро кескинлик ўчоғи ҳали сақланиб келмоқда.

Воқеаларнинг бундай хавфли йўлдан боришини тўхтатиш, сўнгра эса уни тубдан ўзгартириб юбориш керак. Совет Иттифоқининг бутун куч-ғайрати ва унинг тинчликсевар таклифлари ана шунга қаратилгандир. Бу таклифлар НАТО қатнашчилари билан Варшава Шартномаси аъзолари бўлган давлатлар ўртасида ҳужум қилишмаслик тўғрисида битим тузишни, Германия масаласини тинч йўл билан ҳал қилишни, Германия Демократик Республикасида ва Германия Федератив Республикасида жойлашган чет эл қўшинларининг сонини қисқартиришни, қуролли кучларни яширин суратда тўплашга йўл қўймаслик ва тўсатдан ҳужум қилишнинг олдини олиш мақсадида ҳар иккала группировкага мансуб бўлган давлатларнинг территориясида контроль постларини ўрнатишни кўзда тутади. Совет Иттифоқининг ана шу ва бошқа таклифлари қуролсизланиш юзасидан аниқ ва конкрет программадир. Шу программа бажарилган тақдирда, бундан барча халқлар манфаат кўрар, умуман тинчлик иши манфаат кўрар эди.

Улуғ Лениннинг: тинчлик — социализм идеали, деган сўзлари адолатли сўзлар эканлигига ҳозирги вақтда бутун прогрессив инсоният қайта-қайта ишонч ҳосил қилмоқда. Ана шу ленинча идеалнинг жозиба кучи кун сайин ўсиб бормоқда, келажак шу идеалникидир. Ленин башорат қилиб айтганидек, планетамизда урушлар абадий йўқотилади, коммунизмнинг буюк идеаллари — барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат қарор топади.

В. АГАРКОВ.

МЕҲНАТКАШ ҚАЛБИНИНГ КЎЗГУСИ

Донецк металлургия заводининг пўлат эритувчилари меҳнат паспорти ҳақида жуда муҳим ва умумхалқ муҳокамасига лойиқ масалани кўтардилар. Ҳақиқатан ҳам бу ҳужжат меҳнат аҳлининг қалб кўзгуси бўлиши лозим. Бу ҳужжатда кишининг ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан бирга унинг хулқ-атвори ва маънавий фазилатлари ҳам мужассамланиши керак.

Аммо ҳозирги мавжуд паспорт бу талабларга тўла жавоб бермай қолди. Бу ўринда ноқулай бўлса ҳам мен ўзимдан қиёс қилмоқчиман. Узоқ йиллар давомида турли вазифаларда ишладим. Жуда кўп кишилар билан муносабатда бўлдим. Партия ва ҳукуматимиз ҳар кимнинг ҳам меҳнатини муносиб тақдирлайди. Мен ҳам кўп мукофотлар, фахрий ёрлиқлар олганман. Лекин паспортим ёки меҳнат дафтаримда улардан ном-нишона ҳам йўқ. Улар қилинган меҳнатнинг лоақал ўндан бир қисмини ҳам акс эттирмайди.

Меҳнат дафтарчасини эгаларига тантанали вазиятда топширмаслик, унинг аҳамиятини янада камайтириб юборади. Меҳнат дафтарчасининг эгалари шахсий масъулиятни сезмайдилар. Шунинг учун айрим ишчи ва хизматчилар бир ташкилотдан бўшаб иккинчисига ўтар эканлар, кўпинча бу ҳужжатни олиб кетишни унутиб ҳам қўядилар.

Бундай фактни ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасаларда учратиш мумкин. Кўпинча бу ҳужжат кишига пенсияга чиқиш олдидангина жуда керак бўлиб қолади. Лекин бундай пайтда уни қидириб топиш анча қийин бўлади. Бунинг устига айрим ҳолларда ишчи ва хизматчиларни ишга тайинлаш ва ишдан кетиши ҳақидаги ҳужжатларни ўз вақтида меҳнат дафтарчасига ёзиб бормаслик натижасида кишиларнинг ҳақиқий меҳнат стажлари тўла равишда кўринмай қолади. Мен бир неча йил давомида кадрлар масаласи билан шуғулланиб келганим сабабли бундай ҳодисаларни кўплаб учратдим.

Баъзан колхозда узоқ йиллар ишлаб, кейинги вақтда эса ишчи ёки хизматчи бўлиб кетган кишилар ҳам учраб туради. Лекин колхозда ишлаган йиллари бу ишчи ёки хизматчининг умумий меҳнат стажига қўшилмайди. Буни мутлақо нотўғри деб ҳисоблаймиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, мавжуд меҳнат дафтарчаларида ишчи ёки хизматчининг олган жазоси ёзилмайди. Хўш, кишиларни ножўя хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори коллектив ўртасида муҳокама қилиниб келаётган шу кунларда бу аҳволни тўғри деб бўладими? Кишиларнинг камчиликларини бошқалардан «сир» тутишнинг нима фойдаси бор?

Меҳнат паспортида ана шу нарсалар ҳам ҳисобга олинса ёмон бўлмас эди. Менимча шундай қилинса, меҳнаткаш инсоннинг ҳақиқий қиёфаси бу ҳужжатда кўзгуда акс этгандек кўринган бўлар эди.

Н. КОМИЛОВ,
121-автобазанинг кадрлар бўйича инспектори, шахсий пенсионер.

ҚУВВАТЛАЙМАН

Меҳнат паспорти ҳақида гап кетганда ўзинг билан ёнма-ён туриб самарали меҳнат қилаётган одамлар ҳақида ҳам, баъзан меҳнатдан бўйин товлаб қоладиган ишчилар ҳақида ҳам ўйлашга мажбур бўласан, киши. Бригадамизда илғор ишчилар жуда кўп. Аброр Солиҳов, Собир Қосимов, Николай Тутис каби ғишт терувчилар шулар жумласидандир. Лекин бригадамизда бир-икки ой ишлар-ишламас кетиб қолган қурувчилар ҳам бўлган.

Агар меҳнат паспорти жорий этилса илғорларнинг яраклаган томонлари ҳам, қолоқларнинг хира томонлари ҳам кўриниб турган бўлур эди. Хуллас мен меҳнат паспортини жорий этишни тўла қўллаб-қувватлайман.

Абдусаттор ХАТАМОВ,
153-трест 1-қурилиш бошқармаси коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси.



«Таштрансспецстрой» бошқармаси слесарь ва монтажчилари пойтахтимиз ҳусн-жамолини очишда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозир улар Куйбишев кўчасида жадал суръатлар билан канализация ишларини олиб боришаяпти. Суратда: бошқарма мастери О. Сериков (ўртада) илғор труба ётқизувчилар В. Пулявин (чапда) ва В. Новиков ўртоқларга навбатдаги вазифаларни тушунтирмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЖАМОАТЧИ ЛЕКТОРЛАР

Пойтахтимизнинг Октябрь районидаги Крупская номли маҳаллада лекторлар группаси ташкил этилди. Бу группага шу маҳаллада яшовчи олимлар, турли соҳа мутахассислари аъзо қилинган. Улар яқинда маҳалла қизил чойхонасига йиғилишди. Химия фанлари кандидати А. Тожиев маҳалла аҳолисига КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг химия саноатини ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қарорлари тўғрисида гапириб берди.

Маҳалланинг жамоатчи лекторлари меҳнаткашларни қизиқтирган турли масалалар бўйича суҳбат ва лекциялар ўтказиб турибдилар.

М. ЗАРИПОВ.

ШАРАФЛИ КАСБДА ЯРИМ АСР

Ҳар касбнинг ўз гашти бор. Педагог ва тарбиячи бўлиш ҳам катта шараф! Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Карим ака Расулев, тажрибали педагоглардан Маннон Рауфов, Зайниддин Камолов ва Боқижон Тоҳировлар ҳам шу фахрли касбнинг жонкуяр вакилларидан ҳисобланади.

Яқинда пойтахтнинг Октябрь районидаги мактаблар педагоглари ана шу тажрибали ўқитувчиларнинг 50 йиллик тўйини нишонладилар.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Карим ака Расулев бу умрнинг ўттиз йилини ёш авлод тарбиясига бағишлади. Севимли педагогнинг чексиз қувончига шерик бўлиш учун юбилей кечасига тўпланган шогирдлар Карим аканинг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги катта хизматлари ҳақида фахрланиб гапирдилар. Дарҳақиқат, Карим аканинг мақтаса арзигулик таржимаи ҳоли бор.

Карим ака Расулевнинг педагогик фаолияти 1930 йилда бошланди. У саводсизлик ва чала саводсизликни тугатиш ишида актив қатнашди. 1931 йилда у Пискент районидаги мактаблардан бирида илмий бўлим мудири бўлиб ишлади. 1934 йилда пойтахтнинг Октябрь районидаги 47-мактабга директор этиб тайинланди.

Шу ўтган йиллар давомида ўртоқ Расулев пойтахтдаги кўпгина мактабларда директор бўлиб ишлади. Ҳозирда эса у Октябрь районидаги 24-мактабга директорлик қилмоқда.

Тажрибали педагогнинг самарали меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1960 йилда жонкуяр педагог Ленин ордени билан мукофотланди.

Карим ака педагогик фаолияти йилларида жуда кўплаб муносиб кадрлар тайёрлади. Медицина фанлари доктори Ж. Абдурасулев, Тошкент Политехника институтининг доценти Т. Абдуллаев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Акмалов, 24-мактабнинг ишчан ўқитувчиси У. Зоирова ва бошқа мутахассислар Карим акани ўзларининг ҳурматли устозлари деб биладилар.

Юбилей кечаси қатнашчилари 24-мактабнинг тажрибали ўқитувчилари М. Рауфов, З. Камолов ва Б. Тоҳировларнинг ҳам 50 ёшга тўлган куни билан қизғин қутладилар.

М. МИРЗАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз ходими.

ЧЎЛ ИНЪОМИ

...Қақраган чўл. Сувсизликдан торс-торс ёрилиб кетган чанқоқ ердан енгил чанг тўзони кўтарилади. Қоқ қуриб сарғайган янтоқ, тиконлар ноxуш безрайиб туради.

1963 йил кузида ўртоқ Аббос Расулов бошлиқ бир группа жонбозлар Бўкадаги шу чўлга ҳужум бошладилар. Тақир чўл бағридан 55 гектар ер ўзлаштирилди. Майдонлар чуқур ағдариб ҳайдалди, ўғит солиб озиқлантирилди. Меҳнатсеварлар 18 центнерданга марра белгилаб, мўл ҳосил учун курашни кундан-кун авж олдирдилар.

Ниҳоят олтин куз ҳам келди. Лўппи-лўппи бўлиб очилган оппоқ пахталар далаларга ҳусн киритди. Йиғим-терим бошланди. «Оқ олтин» карвонлари бирин-кетин пунктга йўл олди. Барака хирмони кундан-кун кўкка бўй чўзаверди. Белгиланган маррадан ўзиб кетилди. Бир гектар ердан 32 центнердан ҳосил олинди. Она-Ватанга жами 1.757 центнер пахта армуғон этилиб, давлат плани 195 процент адо этилди.

Қўриқ ер кузи тўкин-сочинли бўлди. Бригада аъзолари деҳқончиликдан катта даромад қилишди. Белгилангандаги 33.462 сўм ўрнига 65.167 сўм, ёки 31.705 сўм кўп фойда кўрдилар. Ҳар бир аъзонинг умумий меҳнат кунларига чиқадиган ҳақ 1.323 сўмдан кўпроққа ортди. Колхозчилар ойлик меҳнат кунларига ўртача 126 сўмдан пул олдилар. Меҳнат — роҳат келтирди.

Машъал бригада аъзолари бу йил ҳам зиммаларига юксак мажбуриятлар олганлар. Миришкорлар янгидан яна 15 гектар қўриқ ер ўзлаштириб умумий ер майдонларини 70 гектарга етказдилар. Ана шу майдонларда улар мавсумда 35 центнердан хирмон кўтаришга аҳду-паймон қилишган.

Бригадада чигит экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрилаяпти. Бригаданинг ҳар икки комплекс механизациялашган звеносида дала ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Шу кунгача барча ерлар текисланиб, суғориш шохобчалари сифатли тозалаб қўйилди. Уруғлик чигит экишга ҳозирлаб қўйилди. Ҳар гектар майдонга 8 тоннадан гўнг жамғарилди. Етарли миқдордаги минерал ўғитлар ташиб олиниб, махсус биноларда эҳтиётлаб қўйилди. Техника экишга тўла шай қилинган.

Азамат пахтакорлар етти йилликнинг олтинчи йили баҳорини ана шундай тадбиркорлик билан қарши олишаяпти.

Х. РАСУЛОВ.
Охунбобоев номли колхознинг 7-бригадаси.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Назарали Ниёзов номли колхоз маккажўхорикорлари маккажўхори экишни қизғин давом эттирмоқда. Колхознинг Хатам Рустамов бошлиқ жўхорикор бригада аъзолари бу йил ҳар гектар майдондан 50 центнердан дон етиштириш мажбуриятини олишган. Суратда (чапдан) звено бошлиғи Обида Назимова сеялкачи Мадамин Зокиров билан сеялка барабанига маккажўхори уруғини тўкишаяпти. Ўнгдаги суратда бригадир Хатам Рустамов экиш сифатини текшириб юрмоқда.

А. Тўраев фотоси.

АГИТАТОР ДАЛАДА

Юқори Чирчиқ бошқармасидаги Свердлов номли колхознинг ҳашаматли клуби хушманзара Қизилсой ёқасига жойлашган. Колхоз аъзолари ўзларининг бўш вақтларини кўпинча шу ерда ўтказишади. Клуб ҳузурида ташкил этилган агитпункт доимо гавжум.

Клуб яхшилаб жиҳозланган. Стендларга партиямиз XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари материаллари қўйилган. СССРнинг экономика ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятларини акс эттирувчи плакат ва панноллар хонани безатиб турибди. Кенг стол устида эса газета ва журналларнинг янги сонлари...

Агитпунктда ўқитувчи ва мактаб директори Исмоилжон Турсуновни тез-тез учратиш мумкин. У йигирма олти йилдан бери шу ердаги 30-саккиз йиллик мактабда тарих фанидан дарс бериб келмоқда. Турсуновнинг асосий касби педагоглик. Шу билан бирга у тажрибали агитатор ва пропагандист.

Колхоз партия ташкилоти ўтган йили уни хўжаликнинг қолоқ бригадаларидан бирига агитатор қилиб тайинлади. Бригадада меҳнат интизоми пасайиб кетган, кунлик топшириқ бажарилмас эди. Исмоилжон ишга астойдил киришди. У даставвал бригада бошлиғи А. Ажавалиев, колхозчилар билан гаплашди. Улар билан меҳнат интизоми тўғрисида бир неча суҳбат ўтказди. Дала шийпони қайта жиҳозланиб, бу ер тез орада маданий дам олиш ва сиёсий агитация марказига айлантирилди.

Агитатор тез орада ўзи бириктирилган бригада аъзоларининг яқин кишиси, маслаҳатгўйи бўлиб қолди. У ўзининг асосий ишидан ташқари вақтида колхозчилар ҳузурига тез-тез бориб туради, уларни қизиқтирган саволларга жавоб беради.

Шу кунларда агитпункт мудири Исмоилжон Турсунов партиямиз Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари материалларини ўрганишда колхозчиларга яқиндан ёрдам бераётир. У қишлоқ хўжалигида химиянинг аҳамияти, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш масалалари ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказаётир.

Моҳир тарбиячи ва тажрибали пропагандист Исмоилжон Турсунов ишидан ҳамма мамнун. У мамлакатимиздаги юз минглаб қишлоқ зиёлилари каби қишлоқ хўжалигини юксалтиришдек шарафли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир.

Т. АНДАБОЕВ.

Давримиз қаҳрамонлари

ЖУРЪАТ

ХАВОНИНГ авзойи бузилди. Паст-баланд қирликлар ортидан кўтарилган қора булут қуюни зум ўтмай кўкни тутди. Борлиқ қоронғулашиб кетди. Уфқда ялт-юлт яшин чақди. Пайкалнинг қоқ ўртасидан йўл солиб келаётган Қулмат ака тўхтаб, пастак булутларга қараб қолди. Қутуриб эсган шамол унинг тугмаси ечиқ пахталиги барини силтаб юлқиди. Осмон қулагандек ваҳима солиб, момақалдироқ гулдиради.

Ёмғир тезлашди. Совуқ томчилар унинг юзу кўзини ювиб туша бошлади. Қулмат ака шошилмай, шийпон сари йўл олди.

Шийпонда ҳеч кимса кўринмади. Нима қилиш керак? Шийпондан 20—30 қадамлар нарида кўлмак ҳосил бўлиб, эгатларни кўма бошлабди. Қулмат аканинг сабри чидамади. Кетмонни олиб югурди. Кўлмак сувини ўқ ариққа буриб юборди. Сўнг яна шийпонга кирди. Устунга суяниб, хаёлга чўмди.

ҚУЛМАТ ака асли шофер эди. Бу касбда у 13 йил ишлади.

Айни пахта терими авжга минган кезлар. Раис бир куни пункт дарвозасидан чиқиб келаётган Қулмат акани тўхтатиб; «8-бригада пахтасини ташийсан!» деди. Қулмат аканинг юзи аччиқ данак чайнагандек буришди шунда, аммо раиснинг хоҳишига қарши бирон сўз айтолмади. Яна ўша бригадагами, қошки эди бу ерда терилган пахтани мириқиб машинага ортсанг?

Қулмат ака бригадага етиб келганида теримда онда-сонда одам кўринарди. У машинаси билан хирмон ёнига келиб тўхтади, кабинадан сакраб тушаркан, хирмондагилар билан бирма-бир қўл олиб кўришди. Бригадир ҳам шу ерда экан.

— Пахта бир машина чиқадими?

— Йўқ, 6—7 қанор,—жавоб қилди кимдир.

— Ортиб борганингга ҳам арзимайди-ку,—деди у афсусланиб.

— Сенга барибир эмасми, Қулмат,—деди бригадир.

— Ҳар қатнови колхозга текинга тушаяпти, деб ўйлайсизми?— Қулмат аканинг аччиғи қистади.— Мен жоним ачиганидан гапираяпман. Ахир «Қолоқ!» дейишлар кўнгилларингга урмадими. Нима қиласизлар шунча одам хирмонда?!

— Йўлингдан қолма, э, ука. Буйруқ беришни сенга ким қўйипти. Пахта териш, бу машина рулини буришмиди,— тўнглик қилди бригадир.

Бригадирнинг бу гапи Қулмат аканинг иззат-нафсига қаттиқ тегди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, фойдасизлигини билиб, индамади. Бор пахтани ортди-да, бошқа сўз айтмай жўнаб кетди.

ЎША куни раисни районга мажлисга чақириб қолишди. Енгил машинани партком Тошкентга иш билан миниб кетган эди. Раис Қулмат аканинг машинасида кетди. Мажлис тугагач, яна бирга қайтишди.

Йўлда раис ҳам, Қулмат ака ҳам анча вақтгача гаплашмай, жим келишди. Раис қандайдир хаёлларга берилганди.

— Мажлисда қандай гаплар бўлди, раис? Орадаги жимликни бузди Қулмат ака.

— Кадрлар ҳақида гап бўлди. Вазифасини уддасидан чиқолмаётган айрим бригада бошлиқларини тажрибали кишилар билан алмаштириш зарур дейишди. Аммо, тўғри айтишди.— Раис шу гапни айтди-ю, яна ўйга толди. Сўнгра Қулматга маноли қаради ва бир нарсани эслагандай:

— Дарвоқе, партком менга Қулматни 8-бригадага тайинласак дегандек бўлувди. Ўзинг нима дейсан?— деди.

Қулмат ака узоқ жим қолди. У суҳбатнинг бундай тус олишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Қолоқ бригадагами? Нима дейишим мумкин, сизлар лойиқ топсангизлар...

...ҚУЛМАТНИ бригадир қилиб тайинлашди. Дастлабки кунлари бироз қийинчилик бўлди. Айрим аъзолар янги бригадир билан ишлашни хоҳлашмади. Улар Қулмат акани камситишди ҳам. Бироқ у ёлғизланиб қолмади. Очил, Амир, Абдусаид каби меҳнатсевар колхозчилар унга кўмак беришди.

Қулмат ака бригада ерларини илгаритдан яхши биларди. Қирлик, шўрхок ерлар. Бригада даласи сувнинг этагига жойлашган. Бунинг устига сув яхши оқмайди. Ёз кезлари бу бригада сувчиларининг «сув йўқ, ғўзамиз чанқаб қолди» деб неча бор раиснинг ҳузурига келишгани унинг хотирида. Шуларни эсларкан бригадир суғориш шохобчаларини тартибга келтириш, сув шарқираб оқадиган қилиб тозалаш, янгиларини қазиш, майдонларга яхоб суви бериш энг биринчи вазифа эканини ўз одамларига қайта-қайта уқтирди.

Бригадада иш бинойидек жўнашиб кетди. Бир жуфт комплекс механизациялашган звено ташкил этилди. Мўл ҳосил учун ҳақиқий жанг бошланди. Қулмат ака ўша аёзли февраль кунлари ҳам даладан бери келмади, иш тепасида бўлди. Ҳамма қатори бирдек ишлашди, баб-баравар тер тўкди. Апрель ҳам етиб келди. Кафтдек текис карталар саҳнида қўша-қўша универсаллар шитоб билан гуриллай бошлади. Уч кун деганда 85 гектарлик майдонга чигит қадаб бўлинди. Кўп ўтмай майдонлар юзасини бехато униб чиққан ям-яшил квадратлар қоплаб олди. Бу ҳақдаги қувноқ хушхабар колхозда узоқ вақтгача қанот қоқиб юрди. Бу биринчи хушхабар эди.

МАШИНА сигнали Қулмат аканинг хаёлини бўлди. Шийпон ёнига келиб тўхтаган машинани пайқамай қолганидан ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Шофер йигитнинг ёнига чиқиб ўтирди-ю, танига совуқ ўтганини ҳис қилди. Уралиброқ ўтириб олди. Машина фараси йўлни аранг ёритиб борарди. Сел ҳамон қутирар, зарб билан чирсиллаб машина ойналарига уриларди. Шофер йигит ҳамроҳининг жим бораётганини кўриб, бир неча бор унга зимдан разм солди, шалаббо бўлган эгнига боқиб, кўнглига бригадир гўё: «роса бўкдим, тезроқ ҳайдасангчи» деяётгандай туюлдими, ҳайтовур машинага газ берди...

СЕЛ тинганининг эртаси куни Қулмат ака жуда эрта уйғонди. Ҳовли саҳнига чиқиб тонг отишини томоша қилди, Муздек ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Субҳидамнинг эркаловчи майин шабадасига юзини тутди. Тоғ ортидан саҳий қуёш мўралади. Тўшини кўкликка берган қир-адирлар ёрқин нурдан ажиб жилвалана бошлади. Қулмат ака нари-бери нонушта қилиб, бригадага йўл олди. Далага етиб келиб кўзларига ишонмади. Пайкалда универсаллар гуриллари. Шоввозлар Раҳмон Суяров ва Карло Паволинлар эрта тонгданоқ «човкар»ларини ишга солиб юборишипти. Ғўза қатор ораларига жадаллик билан ишлов берилаяпти. Қатқалоқни юмшатиш билан бир вақтда гўнг ва минерал ўғит аралашмаси ҳам солиб кетиляпти. Қулмат ака бир мунча вақт универсалчиларнинг шижоатига қойил бўлиб қараб турди. Сўнг ернинг тупроғини тепиб кўрди. Тунги шамол, ҳарорат намни кўтариб кетибди. Аммо ер жудаям қотмаган, тобида.

ОЙДИН кеча. Кун бўйи мисдек қизиган тупроқдан саратон офтобининг ҳовури кўтарилган эмас. Узоқ-узоқлардан тунда ғўза суғораётган сувчи йигитнинг завқли қўшиғи қулоққа чалинади. Даланинг ҳар ер, ҳар ерида милтиллаган чироқлар кўзга ташланади. Қулмат ака ва звено бошлиғи Раҳмон Суяров икковлари ўқ ариқ ёқалаб қизғин суҳбатлашиб боришаяпти.

— Ғўзаларимиз яна бир сув ичса роса гуркираб беради,— дейди звено бошлиғи.

— Нечанчи сув ичиши?

— Тўртинчиси. Ҳар ишлов берилиб, озиқлантирилгандан кейин пешма-пеш сув тараяпмиз. Кеча карталарни айланиб ҳосилни салмоқлаб хомчўт қилиб кўрдим. Чакки эмас, гектарлардаги 90—95 минг кўчатнинг ҳар бир тупида ўртача 15—18 тадан кўсак бор.

* * *

ХИРМОНДА иш қизғин. Терилган пахталар шамоллатиб, пешма-пеш пунктга жўнатилиб турибди. Пахтазорда «зангари кема»лар шитоб билан ҳайқиради. Уларни яна ўша мард жиловкорлар—Раҳмон Суяров ва Карло Паволинлар бошқаришаяпти. Қулмат акада ҳам тиним йўқ. Белига этак боғлаб, пахта терди. Тўлган этагини бўшатиш учун хирмонга келганида ишнинг натижаси билан қизиқади.

— Нечанчиси жўнаяпти?—сўрайди табелчидан.

— Бешинчи прицепни жўнатаяпмиз,— дейди у.— қош қорайгунча яна бир-икки прицеп жўнатсак, бу кунги топширган пахтамиз 4—4,5 процентга етиб қолади.

Олисда сигнал бериб елиб келаётган машина бригадирни ажиб бир таажжубга солди. У бироз кутиб турди, машина яқинлашиб келаркан, шофер йигит кабинадан бош чиқариб қичқирди:

«Ғалабанглар муборак!»...

Йил ғалаба билан якунланди. Гектарлардан 38,7 центнердан «оқ олтин» дурдонаси йиғиб-териб олинди. Йил бошида белгиланган маррадан ҳам роса 13 центнерга ўзиб кетилди.

Мана улуғ етти йилликнинг олтинчи йили баҳори ўтиб бормоқда. Бепоён далалар узра кўклам шамоли елиб юрибди. Бу йилги баҳорнинг Қулмат ака Орзиқулов бригадаси учун ўзгача файзи бор. Бригаданинг бу йилги марраси гектарлардан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришдир. Машъал бригада миришкорлари мавсумга ҳар қачонгидан пухта, соз ҳозирлик кўришди. Майдон чеккаларида етарли миқдордаги ўғит уюм-уюм қилиб ғарамлаб қўйилган. Кўп миқдорда минерал ўғитлар ҳам ташиб олинган. Бригадага берилган техника экишга шай, тўла созлаб қўйилган. Ариқ-зовурлар сув равон оқсин учун чуқур қилиб тозаланди.

ШУ кунларда барча далалар ёввойи ўт илдизларидан тозаланаяпти, бегона ўт илдизлари битта қўймай териб олинмоқда. Бригада ерларида кўп йиллик бегона ўтлар кўп ўсади. Ўтган мавсумда уларни қўлда юлишга анча ортиқча меҳнат сарф бўлиб кетди. Меҳнат аҳли бу йил ана шунга йўл қўймаслик учун курашяпти. Ерга чигит уруғи қадалмоқда.

Меҳнат кишини ёшартиради, улуғлайди, деган гап ҳақ гап. Ҳалол меҳнати, муттасил кураши туфайли халқ орасида шон-шуҳрат топганлар оз дейсизми. Оддий бригадир Қулмат ака Орзиқулов ҳам ана шундайларнинг бири —асл меҳнаткаш, миришкор деҳқон. У ўз бригадасини ғалабадан ғалабага ишонч билан бошлаб боряпти, кўпларни ўз кетидан эргаштираяпти. Эл-юртда шу туфайли у обрў-эътибор топяпти.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Бўка, Мичурин номли колхоз.

Сиз суратда кўриб турган чеҳраси шодон бу уч қиз Калинин бошқармасидаги Ленин номли колхознинг илғор сут соғувчилари:—(чапдан) Мавлуда Аъзамова, Шарипа Ҳакимова, Флора Аъзамовалардир.

А. Абалян фотоси.

ИПАК ҚУРТИ БОҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Халқимиз «пилла—тилла» деб бежизга айтмаган. Пилла—энг қимматли қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан биридир. Пиллачилар эл-юртни шойи-атласга буркаш учун самарали меҳнат қилишяпти ва йил сайин катта-катта ютуқларга эришишяпти. Ўз касби шарафини қадрлаётган илғор пиллачилар мўл ҳосил етиштириб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Энди бир савол туғилади, нега илғорлар пилладан юқори ҳосил олишади? Ахир ипак қурти ҳамма ерда ҳам бир хил-ку! Ҳа, ҳамма ерда ҳам бир хил. Лекин, илғор пиллачи ишнинг кўзини билади, мавсумнинг ҳар бир дақиқасини қадрлайди. Маълумки, ипак қурти боқиш — қисқа мавсумли иш. Ана шу қисқа муддат ичида ҳар бир ишни кўнгилдагидек бажарган, темирни қизиғида босган пиллачигина мўлжаллаган ҳосилни ола олади.

Пилладан баракали хирмон кўтаришнинг энг муҳим шартларидан бири — ипак қурти боқиш мавсумига намунали тайёргарлик кўришдир. Мана, баҳор ҳам кун сайин ҳуснга тўлишмоқда. Мевали дарахтлар қийғос гуллаяпти. Ипак қуртларининг бирдан-бир озуқаси бўлмиш тут дарахтлари ҳам ҳадемай барг ёзади.

Мавсумга қандай тайёргарлик кўрилса энг яхши натижага эришиш мумкин? Мен ана шу ҳақда қисқача фикр юритмоқчиман.

Ипак қурти боқиш учун зарур бўлган ҳамма асбоб ускуналарни ҳозирданоқ яхшилаб созлаб қўйиш керак. Қуртхоналар албатта оқланиши лозим. Бунда махсус пуркагичлардан фойдаланилса яхши бўлади. Қурт боқиш мавсуми бошланмасдан олдин сўкчак, эшик ва деразаларни ишқорли иссиқ сув билан обдон ювиб, қуритиш даркор. Мавсум бошланишига ўн кун қолганида эса қуртхонанинг ичини ва турли асбоб-ускуналарни дезинфекциялаш зарур. Бунда ўтган йилги мавсумда ипак қуртлари касалликка учраган хоналардаги микроорганизмларни батамом йўқотишни кўзда тутган ҳолда иш тутилса яхши бўлади.

Қуртхоналар 4 процентли формалин ёки 2 процентли активлаштирилган монохлорамин эритмаси билан дезинфекцияланади. 4 процентли формалин эритмасини тайёрлаш учун бир литр 40 процентли формалин 9 литр сувга аралаштирилади. Агар формалин концентрацияси 40 процентдан камроқ бўлса, ундай тақдирда махсус формула асосида иш тутиш керак.

Дезинфекцияловчи эритмалар махсус пуркагичлар билан бир текисда сепилгандагина яхши самара беради. Ҳар 3—4 квадрат метр жойга бир литрдан эритма сепилса мақсадга мувофиқ бўлади. Формалин билан дезинфекция қилинган бинолар бир кеча-кундуз давомида, монохлорамин билан дезинфекция қилинган бинолар эса 6—10 соат бекитиб қўйилади. Формалин билан дезинфекцияланган бинолар 2—3 кун, монохлорамин билан дезинфекцияланган бинолар эса 10—12 соат шамоллатилади. Шундан кейин уларда ипак қуртларини боқиш учун қулай шарт-шароит туғилади.

Монохлорамин билан дезинфекция қилинганда хлор газ ҳолида ажралади. Бу ишловчиларнинг нафас олиш йўллари ва кўз шилиқ пардасига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун дезинфекция қилинаётган пайтда газниқобдан албатта фойдаланиш керак.

Ипак қурти жуда нозик жонивор бўлади. Пиллачилар уни ниҳоятда эҳтиёт қилиб боқмасалар, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилмасалар қурт касалликларга чалинади. Натижада ҳосилга путур етади. Ана шунинг учун ҳам ҳар қандай касалликларнинг олдини олиш, қурт боқиш қоидаларига қатъий амал қилиш зарур.

Ипак қуртининг асосий озуқа базаси — тут баргидир. Тут баргида ипак қуртларининг тараққиёт даври учун зарур бўлган ҳамма моддалар бор. Тут барги қурт организми учун энергетик манбаи бўлиб қолмай, унинг ўсиб ривожланишини ҳам тартибга солиб туради. Қуртнинг ўсиш тезлиги унга берилган баргнинг тўқ тутиш даражасига ҳам бирмунча боғлиқ бўлади. Шундай экан, ипак қуртларига ниҳоятда сифатли, тўйимли тут баргларини етказиб бериш пиллачиларимизнинг диққат марказида туриши керак.

Қурт боқиш мавсумига тайёргарлик кўрилаётганида етарли миқдорда дасталар ҳам ҳозирлаш керак. Ипак қуртлари пиллани ўсимликлардан қилинган ва похолдан ясалган дасталарга ўрайди. Ҳар қути ипак қурти учун ўсимликлардан 250—300 дона ёки похолдан 150—200 дона даста тайёрлаш керак.

Гапнинг қисқасини айтганимизда, пиллачиларимиз ипак қурти боқиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадал бажариб, инкубаторияларда қурт жонланишидан бир ҳафта — ўн кун аввал тамомлашлари зарур.

Пиллачи ўртоқлар! Бу йил область бўйича мамлакатга 1200 тонна аъло сифатли пилла етказиб бериш юзасидан зиммага юксак социалистик мажбурият олинган экан, шу мажбуриятнинг сўзсиз бажарилиши учун куч-ғайратимизни аямасдан меҳнат қилайлик, ипак қурти боқиш мавсуми кўнгилдагидек ўтсин.

Муқаддас ҒАНИЕВА,
қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати, доцент.

Қишлоқ хўжалик САҲИФАСИ

ҚАРДОШ САНЪАТКОРЛАР ЛЕНТАСИ

Туркманистон ва Тожикистон кино студиялари биргаликда туркман халқининг «Шоҳсанам ва Ғариб» достонини экранлаштирдилар. Режиссёр Т. Собиров яратган бу фильмнинг қаҳрамонлари билан танишиш учун яқинда пойтахт кино мухлислари Ф. Дзержинский номидаги клубга йиғилдилар.

Учрашувда Туркманистон ССР халқ артисткаси опера қўшиқчиси А. Қулиева, Ғариб ролини ижро этган ёш актёр М. Аннақурбоновлар қатнашдилар.

Йигирмадан ортиқ кинофильмда турли характердаги кишиларнинг ички дунёсини очиб кино ихлосмандларининг ҳурматига сазовор бўлган А. Қулиева «Шоҳсанам ва Ғариб» фильмида шоҳ аёл образини яратишдаги ижодий изланишлари ҳақида гапириб берди.

Учрашувдан кейин қардошларимиз кинофильмининг кўриги бўлди. Шоҳсанамни севгани учун ҳаёт нафаси уфуриб турган азим шаҳардан чўли-биёбонга дарбадар қилинган ошиқ Ғарибнинг жафокаш саргузаштлари томошабинларда кучли таассурот қолдирди.

Ш. ФОЗИЛОВ.

Тошкентдаги 5-касалхонада малакали врачлар хизмат қилишади. Суратда: (чапдан) касалхона бош врачи, медицина фанлари кандидати В. Қодиров, биохимия лабораторияси мудири И. Садименко, Тошкент медицина институти юқумли касалликлар кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори В. Мажидов, медицина фанлари кандидати Н. Дьяконова, клиника ординатори Е. Косирева ўртоқлар рентген суратини кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ЯНГИ МАРШРУТ

Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхоз билан Олмалиқ шаҳри ўртасида автобус қатнай бошлади.

Шунингдек бу ерда қад кўтарган мактаб, клуб, чойхона ва почтахона бинолари ҳам колхоз ҳуснига-ҳусн қўшди.

М. ҚУЗИЕВ.

ЯНА БИР АЛОҚА БЎЛИМИ

Пойтахтимиздаги «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида янги 109-алоқа бўлими қурилиб, фойдаланишга топширилди.

А. СОТВОЛДИЕВ.

КЎЧАТ ФАБРИКАСИ

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли кўчатлар етказиб бериш трестининг 1-участка коллективи республикамизнинг турли шаҳарларига кўплаб кўчат ва гуллар жўнатмоқдалар. Улар шу кунга қадар 5 минг туп олма, 9 минг туп гилос, 10 минг туп заранг ва шумтол дарахти, 12 минг дона атиргул кўчатларни сотдилар.

И. ИСМОИЛОВ.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Оҳангарон сут-ёғ заводи коллективи йил охиригача 50 минг сўмлик маблағни тежаб қолиш мажбуриятини олди.

Завод коллективи республикамизнинг шонли юбилейига муносиб совғалар билан келиш мақсадида ҳозирданоқ социалистик мусобақани қизитиб юборибди. 20 минг сўмга яқин маблағни тежаб қолдирдилар.

А. КУНИЕВ.

МАГАЗИНЛАР

Чилонзор массивининг «Д» секторида янги хўжалик моллари магазини ишлай бошлади.

Шунингдек пойтахтнинг Уйғур кўчасида ҳам ана шундай магазин фойдаланишга топширилди.

А. ХАТАМОВ.

ЁШ ТАЛАНТЛАР

Шу йил май ойида ўтказиладиган традицион ашула байрамига бутун ижодий ташкилотлар, ҳаваскорлик коллективлари катта тайёргарлик ишлари олиб боришяпти.

Паркент район маданият уйи қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари ҳам ана шу байрамни муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишларини қизитиб юборибди, бирмунча тадбирларни амалга оширишяпти. Ижодий коллективнинг Н. Қўчқоров раҳбарлигидаги қирқдан ортиқ аъзолари ўз репертуарларини ранг-баранг қўшиқ, рақс, куйлар билан бойитиш мақсадида тинмай репетиция ва машқлар ўтказишмоқда. Шу билан бирга ҳаваскорлар колхоз ва қишлоқ йлубларига ҳам боришиб, меҳнаткашларга концертлар қўйиб беришяпти.

Ижодий коллективнинг «Ленинобод» колхози билан 7-совхоз клубида яқинда кўрсатган концертлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Т. РУЗИМАТОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЧИЛИДАН КЕЛГАН МЕҲМОН

МОСКВА, 30 март. (ТАСС). Чили сенатори Луис Боссай Лейва СССР Олий Совети палаталари раисларининг таклифига биноан бугун Москвага келди. У, Тошкент, Сочи, Киев ва Ленинградда ҳам бўлади.

Луис Боссай Лейва — Чили радикаллар партиясининг раҳбарларидан биридир. У, бир неча марта Миллий конгресс депутатлигига ва сенаторликка сайланган, меҳнат министри лавозимида ишлаган, экономика ва савдо министри бўлган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVIII сессиясида Чили делегациясига бошчилик қилган.

ЎТ ОЧИШНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА БИТИМ

ЛОНДОН, 30 март. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Хартумдан хабар беради: Чегарада ўт очишни тўхтатиш тўғрисида Эфиопия билан Сомали ўртасида битим тузилди. Чегара низоларини бартараф қилиш тўғрисида Хартумда музокаралар олиб борган Эфиопия ва Сомали делегацияларининг қўшма ахборотида бундай дейилади: Қўшинлар 1 апрелдан бошлаб ҳар иккала томон чегарасидан 10—15 километр ичкарига олиб ўтилади.

Сомали билан Эфиопия ўртасида чегара жанжаллари бартараф қилинмаганлиги сабабли, икки мамлакат чегарасида уруш ҳаракатлари бўлган эди.

ВАҲШИЁНА ИШ

ҚОҲИРА, 30 март. (ТАСС). Кеча кечқурун Яман Сиёсий бюроси Англиянинг Яманга қарши агрессия қилгани тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Яман самолётлари гўё Бойхон амирлигига ҳужум қилди, деб Англиянинг Адандаги олий комиссари қўйган айбларни Сиёсий бюро тамомила асоссиз айблар, деб рад этди.

* * *

Шу муносабат билан ТАСС шарҳчиси Г. Марунин қуйидагиларни ёзади:

Яман Араб Республикасининг Бойхон амирлиги билан чегарасида яна бир қонли фожиа рўй берди. Бу амирлик Жанубий Арабистон федерацияси деб аталмиш федерация составига киради. Англиянинг Ўрта Шарқдаги ҳарбий қўмондонлиги эълон қилган ахборотга кўра, гўё Яман Араб Республикасининг самолётлари Бойхон территорияси устидан намойишкорона суратда учиб юрганлигига қарши жавоб чоралари кўриш мақсадида инглиз самолётлари 28 мартда Яманнинг Хариб районидаги «қалъаси»ни ер билан яксон қилиб ташлади. Инглизларнинг «Хаукер Хантер» самолётларидан отилган ракета ва снарядлар яманликларнинг ўйлари устига ёмғирдай ёғилиб тушди. «Қалъа» ўрнида фақат ҳаробалар қолди, аёллар, болалар ҳалок бўлди. Ҳўш, уйларни вайрон қилиш ва қалъада яшовчи аҳолини тутдек тўкиш нега керак бўлиб қолди? Гап шундаки, Арабистоннинг жанубида араб қабилаларининг озодлик ҳаракати кенг авж олиб кетганлиги натижасида Англия ана шу районда ўзи учун муҳим бўлган стратегик позицияларни бой бериб қўйишдан кўрқмоқда. Сўнгги вақтларда Жанубий Арабистондаги Дол. Ҳавошаб ва шу каби бир қанча бошқа амирликларда уларда яшовчи қабилалар билан инглиз мустамлакачилари ўртасидаги қуролли кураш тўхтамасдан давом этмоқда. Англиянинг мустамлакачи маъмурлари Жанубий Арабистон федерациясидаги ана шу қаршилик кўрсатиш манбаини йўқ қилиб ташлашга уриниб, бўйин эгмаётган қабилаларни ва Яман Республикасини кўрқитиб олиш чорасини амалга оширишга қарор бердилар.

«Қалъа»нинг йўқ қилиб ташланганлиги инглиз мустамлакачиларининг яна бир жуда оғир жиноятидир. МЕН агентлигининг хабарига қарағанда, бу — асло номсиз ҳарбий истеҳком бўлиб қолмай. Ямандаги типч Хариб шаҳри эди. Инглиз мустамлакачилари ана шу районда ўз ҳукмронликларини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам сақлаб қолишга ҳамда миллий-озодлик ҳаракатининг ва республикачи Яман таъсирининг Жанубий Арабистон аҳолиси ўртасида ёйилишига йўл қўймасликка интилмоқдалар.

Инглиз мустамлакачиларининг жиноий ҳатти-ҳаракатлари бутун араб дунёсида нафрат уйғотди. Бирлашган Араб Республикасининг матбуоти хабар беришича, ана шу янги агрессия ҳаракатини муҳокама қилмоқ учун бугун Қоҳирада Араб мамлакатлари иттифоқининг кенгаши тўпланади.

МОЖАРО БАРТАРАФ ҚИЛИНДИ

ХАРТУМ, 31 март. (ТАСС). Кеча Эфиопия ва Сомали Республикаси ҳукуматларининг вакиллари ўз қуролли кучларини чегаранинг ҳар иккала тарафидан 10—15 километр нарига олиб кетиш масаласида бир битимга келдилар. Бу иш 1964 йил 1 апрелда бошланиб, 6 апрелда тамомланиши керак.

Эфиопия билан Сомали вакиллари ўртасида 24 мартдан 30 мартгача Хартумда олиб борилган музокаралар натижасида ана шу битимга келинди.

Кеча эълон қилинган қўшма ахборотда айтиладики, қуролли кучларнинг батамом олиб кетилишини таъминлаш ҳамда 1964 йил 2 апреллан эътиборан радио ва матбуот орқали душманлик руҳидаги ҳар қандай пропагандани тўхтатиш учун ҳар иккала томон икки мамлакат ҳукуматларининг вакилларидан иборат қўшма комиссия тузишга қарор қилдилар.

Томонлар Африка давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви бошлангунча музокараларни яна янгилашга қарор бердилар. Навбатдаги кенгаш қаерда ва қачон ўтказилишини ҳар иккала ҳукумат оддий дипломатик йўллар орқали жуда қисқа муддат ичида келишиб оладилар.

ГЛЕНН СЕНАТОР БЎЛМАИДИ

НЬЮ-ЙОРК, 30 март. (ТАСС). Информация агентликларининг хабар беришича, Америка космонавти Жон Гленн Огайо штатидан сенаторлик лавозимига ўз номзодини овозга қўйиш ниятидан қайтган. Врачлар сайлов олди кампаниясида қатнашиш ўз саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини айтишгандан кейин, Гленн ана шу қарорга келган.

Маълумки, ўтган ой охирида Гленн ваннахонада тойиб кетиб, йиқилиш вақтида унинг боши қаттиқ шикастланган эди.

Женевадаги конференцияда

ЖЕНЕВА, 30 март. ТАСС мухбирлари Г. Шишкин ва Г. Драгунов хабар берадилар:

Очлик, камбағаллик ва эксплуатациядан халос бўлиш — Африка, Осиё ва Латин Америкаси мамлакатлари ана шу мақсад учун курашмоқдалар. БМТнинг савдо-сотиқ ва тараққиёт конференцияси минбарига чиқиб, Занжибар ташқи ишлар министри А. Муҳаммад айтган бу сўзлар ривожланаётган мамлакатлар делегатларининг ҳамма нутқларида маълум шаклда такрорланмоқда. «Биз, — деб уқтирди А. Муҳаммад, — баъзи социалистик мамлакатларни камситишни мўлжаллаган совуқ уруш руҳидаги қатти-ҳаракатларга конференциямизда хотима беришимиз керак».

Занжибар ташқи ишлар министри ривожланаётган мамлакатларга паст процент асосида кредитлар бериш ҳамда маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларни қарз бадалига олишдан иборат Совет Иттифоқининг таклифи ва практикасини қувватлади.

Нигерия савдо ва саноат министри Дипчарима ривожланаётган мамлакатларнинг қашшоқлиги тўғрисида катта нутқ сўзлаб, буниг далиллар билан исботлаб берди. У таъкидлаб айтдики, ривожланаётган мамлакатлар четдан олиб кираётган саноат товарларининг нархлари етти йил мобайнида 9 процент ошган бўлса, бу мамлакатлар четга чиқараётган хом ашё нархлари 6 процент камайиб кетди.

Ривожланган капиталистик мамлакатларнинг шон-шуҳрати, маъмурчилиги ва нуфузи, деб таъкидлади у, ҳозир ривожланаётган мамлакатларнинг ресурслари ёрдами билан вужудга келганлиги ҳар қандай холис ниятли тарихчига мутлақо шак-шубҳасиздир.

Венесуэла экономика министри Мануэль Эгана ҳозир жаҳон миқёсидаги савдо-сотиқ алоқалари нуқул Ғарбдаги ривожланган мамлакатларнинг фойдасини кўзлаб амалга оширилаётганини айтгач, Латин Америкаси, Осиё, Африка мамлакатлари халқаро савдо-сотиқ структурасининг ўзи қайта қурилиши истайдилар, деди. Мавритания савдо министри Бокар Альфа Ба мустамлакачиларнинг ҳукмронлиги Африка ва Осиё мамлакатларига қашшоқлик, очлик ва муҳтожликни мерос қилиб кетди, деди. Жаҳон бозорларида ҳукмронлик қилаётган мамлакатларнинг савдо сиёсати, деди Ба, ривожланаётган мамлакатларнинг экономикани ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган куч-ғайратларига путур етказмоқда.

ЗИЛЗИЛАДАН КЕЙИН

НЬЮ-ЙОРК, 30 март. (ТАСС). Аляска зилзиладан қаттиқ зарар кўрди. Бу ерда зилзила етказган зарарни якунлаш давом этмоқда. Аляска губернатори Уильям Иген зарарланган кўпгина районларга бориб келгач, зилзиланинг етказган зиёни 350 миллион долларга боради, деди.

Америка федерал маъмурларининг расмий маълумотларига кўра, деб хабар беради ЮПИ агентлиги, Аляскада ҳалок бўлган ва дом-дараксиз йўқолган кишиларнинг жами 88 кишини ташкил қилади. Кресент-Сити (Калифорния штати)да 10 киши ҳалок бўлган ва 15 киши дом-дараксиз йўқолган.

Аляскада вайрон бўлган шаҳар ва посёлкаларни тиклаш ишлари ўзоқроқ бошлаб юборилмоқда. Масалан, энг кўп вайрон бўлган Анкоржа шаҳридаги омон қолган биноларда водопровод билан электр шохобчаси қисман тикланди. Зарар кўрган одамларга зарур ёрдам берилмоқда. Терлама эпидемиясининг ёйилиб кетиш эҳтимолига қарши зарар кўрган районлардаги аҳоли эмланмоқда.

Зилзиладан зарар кўрган районларга ёрдам беришни планлаштирувчи фавқулодда комиссия раҳбари Макдермот кеча Аляскадан қайтиб келди. У, ўз сафарининг натижалари тўғрисида президент Жонсонга ахборот бергач, Аляскага кенг кўламда ёрдам кўрсатиш планлаштирилмоқда, деди-ю, лекин федерал ҳукумат зилзила етказган зарарларнинг қанча қисмини ўз маблағлари ҳисобидан қопламоқчи эканини айтишдан бош тортди.

ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Чилонзор районининг «2-беш йиллик» маҳалласида «КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми янунлари» деган темада савол-жавоб кечаси бўлиб ўтди.

Кечада Тошкент халқ хўжалиги институтининг профессори ўртоқ О. Аминов КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг тарихий аҳамияти ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини янада ошириш тадбирлари ҳақида гапирди. Юридик фанлари кандидати ўртоқ Т. Саъдуллаев эса донецклик металлургларнинг меҳнат паспорти жорий қилиш ҳақидаги мулоҳазалари ҳақида гапириб берди.

Маҳалла меҳнаткашлари барча қизиққан саволларига тўлақонли жавоб олдилар.

В. ОДИЛОВ.

ТАБИАТШУНОС БЛОКНОТИДАН

Ҳаётбахш гиёҳ

Биз кун бўйи даралар, қояларни босиб ўтиб, кеч кирганда, кўкни ўпган Мингтака чўққиси этагидаги Қуёш улкан Мингтака қоясининг орқасига яширинган ҳам эдики, кўмкўк барра ўтлар билан қопланган яйловни қоронғулик қамраб олди. Жуда ҳам чарчаган эканмиз шекилли кечки нонуштадан сўнг, тезда уйқуга кетдик.

Тонг отар пайтида аллақандай дуқурлаган товуш бизни уйғотиб юборди. Ер қимирлаяпти деб ўринмиздан чўчиб турсак, яйловдан шиддат билан тоққа чиқиб кетаётган такаларга кўзимиз тушди.

Уларнинг туёқлари остидан тошлар пастга қараб тушар, қояларга урилиб атрофдан кучли акс-садо қайтарди. Қоядан-қояга сакраб тоққа чиқаётган ёш такалардан бири тўсатдан сирғаниб кетди-да, ерга қуларди.

У зўр-базўр турибоқ уч оёқлаб оқсоқлаганча шу атрофдан ниманидир излэйбошлади. Шундан сўнг синиб ётган бута тагидан алланарсани қимтий бошлади. Ҳамроҳимиз Р. Рашидов такани тутиб келишга ошиқиб, энди қўзғалган ҳам эдики, йўл бошловчи Шокир ота унга тўхтатди ва: ошиқманг, бунда сир бор деди. Ҳаммамиз ҳаяжон билан бинокль орқали галма-гал такани кузатдик. Така ўтни еб бўлгач, секин-секин юқорига кўтарила бошлади.

Р. Рашидов ўзини тута олмай, така томон югурди. Лекин така сира оқсамай қоя орқасида ғойиб бўлди. Биз бу аҳволдан ҳайрон бўлиб бута томон юрдик. Бу ерда чимдимлаб ейилган барра ўтга кўзимиз тушди. Бу ўрма қора номли кўпйиллик, айниқтовонлилар оиласига мансуб бўлган шифобахш гиёҳ экан.

Ўрма қора ўсимлигининг шифобахш хусусиятлари халқимизга маълум. Бу ўсимлик илдизи сиғган, чиққан суякни даволашда дори сифатида фойдаланиб келинади.

Оқсоқ таканинг тўсатдан юриб кетиши бизга энди маълум бўлди.

Мингтака қояси Тянь-Шань тоғининг ғарби-шимолига жойлашган бўлиб, бу ерда ўрма қорага ўхшаш турли доривор ўсимликлар кўплаб ўсади. Улардан медицинамизда кенгроқ фойдаланиш керак.

М. ТУЙЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.

ОЛИМПИАДА МЕДАЛЛАРИ

ТОКИО, (ТАСС). Олимпиаданинг олтин, кумуш ёки бронза медалига эга бўлиш учун Токиодаги 18-Олимпиада ўйинларида қатнашиб, муваффақият қозониш мутлақо шарт эмас. Японияда чиқадиган «Иомиури» газетаси ўз газетхонларига ана шундай ҳазилнамо гаплар билан мурожаат қилар экан, гап Олимпиаданинг «эздалик» медаллари устида бораётганини бошдан билдирмади.

Япония молия министрлигининг 18-Олимпиада ўйинларидан ёдгорлик сифатида 145 минг олтин, 400 минг кумуш ва 600 минг бронза «эздалик» медалларини зарб қилиш тўғрисидаги қарори ана шу ҳазил намо гапга асос бўлди.

Бу медалларнинг олд томонида традицион бешта Олимпиада халқаси, чиқиб келаётган қуёш тасвирланган бўлиб, «Токио (латинча ҳарфда) 1964 йил», «Токиодаги Олимпиада ўйинларидан эздалик» деган сўзлар ёзилган (япон тилида). Медалнинг орқа томонида стартга ҳозирланган бешта спринтер (қисқа масофага югурувчининг тасвири ва латинча ҳарфлар билан ёзилган «Токио 1964 18-Олимпиада» деган сўзлар бор.

Олтин медалнинг диаметри 22,6 миллиметр, қалинлиги 1,5 миллиметр, оғирлиги 7,2 грамм бўлиб унга 18 карат олтин қопланган. Кумуш ва бронза медалларнинг диаметри 30 миллиметр, қалинлиги уч миллиметр. Кумуш медалнинг оғирлиги 18,5 грамм, бронза медалнинг оғирлиги 16 грамм.

17 апрелда бу медаллар бутун Японияда сотишга чиқарилади. Олтин медалнинг нархи 5 минг иена, кумуш медалники 800 иена ва бронза медалники 200 иена. Медалларни сотиш натижасида олинган жами 55 миллион иена пулнинг бир қисми Олимпиада ўйинларини ташкил қилувчи комитетининг фондига берилади.

Тошкентдаги Маннон Уйғур номли 22-мактабда араб тили ҳам ўқитилади. Ўқувчилар араб тилида деворий газеталар чиқарадилар, араб рақслари ва куйларини ўрганадилар.

Суратда: 5-синф ўқувчиси Мавжуда Абдураҳмонова арабча ёзишни машқ қилмоқда.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 АПРЕЛДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Салом, баҳор** (болалар учун), 18.35 — **Телевизион янгиликлар.**

18.55 — СССР биринчилиги учун: **«Шахтёр» (Донецк) — «Динамо» (Москва) командалари ўртасида футбол** («Пахтакор» стадионидан, ўйиннинг иккинчи ярми).

Ўзбек тилида: 19.45 — **Баҳорнинг бир куни йилга татийди** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

Рус тилида: 20.00 — **Ўрта Осиё журналистлари даврасида.**

20.30 — Ўрта Осиё республикалари матбуот, радио ва телевидение ходимларининг семинар-кенгаши қатнашчилари учун концерт (ўзбек ва рус тилларида), танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар** (рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.45 — **Иван Шамов** (ҳужжатли фильм), 20.05 — **Қанотлар** (телевизион спектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV **Риголетто.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

Ялангоч дипломат — «ВАТАН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Манбет — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Хотин кетганда — НАВОИЙ номли (кундуз сеанслари соат 1 ярим ва кеч 5 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 2, 4 ва кеч 8 да).

Қора ниқобда — «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1 апрелда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА СОЛИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Мирнаримова,** солистлардан **Фахриддин Умаров, Сора Шунурова, Тўхта Алихўжаева, Манзура Мўминова** ва ўзбек халқ чолғу аспаблари қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

2 апрелдан

СЕМЕН РУБАНОВ қўл остида

ИЛЛЮЗИОН аттракцион

ва янги программада

ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Гражданлар диққатига!

ТОШКЕНТ «СЕВЕР» ФАБРИКАСИ

Ўзбекистон ССРдаги «Днепр», «Саратов», «Юрюзань», «Мир», «Бокў», «Восток» маркали

уй электро ҳолодильникларини

гарантия муддати ичида

РЕМОНТ ҚИЛАДИ

Шунингдек фақат Тошкентдаги турли марка

ЭЛЕКТРОХОЛОДИЛЬНИКЛАР ҲАМДА КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ, ЧАНГДАН ТОЗАЛАЙДИГАН ПИЛЕСОС ВА ПОЛ ТОЗАЛАЙДИГАН ПОЛОТЁРЛАРНИ

гарантия муддати тугагандан кейин

РЕМОНТ ҚИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Еттитерак кўчаси, 34-а уй, ҳар куни эрталаб соат 8 дан кеч 8 гача, якшанба кунлари эса эрталаб соат 9 дан кундуз 4 гача, телефон 4-24-72 (14, 15, 29-автобус ва 7-троллейбусининг «Иккинчи кўприк» остановкаси).

«Ўзэлектромонтаж» трестининг ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

4, 5, 6-разрядли электромонтёрлар, 4, 5, 6-разрядли линия электромонтёрлари керак

Елғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Педагогическая кўчаси, 75-уй.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ. 1 АПРЕЛЬ 1964 ИИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Восто-ка» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» биргалашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05356. Индекс 64695. Нашр. № 1724.